

## **Муайян ов қилиш жойларида ов қилиш учун тақиқ белгиланганлиги**

Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси тизими буйича жами 38 овчилик-балиқчилик хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий ов қилиш учун бириктирилган ҳудуди 695334,77 гектарни ташкил этади. Ҳар бир овчилик-балиқчилик хўжаликлари ҳудудининг **10 фоиз** қисми ов қилиш учун ёпиқ бўлган, ёввойи ҳайвонларни такрор қўпайтириш участкаси қилиб белгиланган. Бу участкаларда ов қилиш тақиқланади.

<b>т/р</b>	<b>Ов қилиш учун тақиқланган жойлар</b>
1	Аҳоли пунктларининг ерлари;
2	Соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий мақсадга мўлжалланган ерлар;
3	Мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар, агар уларнинг режимида ов қилиш назарда тутилмаган бўлса;
4	Шаҳарлар атрофидаги яшил зоналар;
5	Корхоналарнинг санитария-ҳимоя зоналари;
6	Сув олиш иншоотларининг ҳимоя зоналари;
7	Аэродромлар; темир йўлларнинг ҳимоя зоналари;
8	Чегара олди минтақаси;
9	Ҳосил йиғишириб олингунига қадар кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;
10	Тўғонлар, сув айиргичлар, кўприклар ёнидаги, балиқчилик питомниклари, ҳовуз хўжаликлари ва бошқа маданий балиқчилик хўжаликлари чегараларидаги участкалар, агар ушбу обьектларни мухофаза қилиш режимида ов қилишга доир тақиқ назарда тутилган бўлса.